



Ислом Нури

Зулм кўрган мусулмонларни Маккадан Мадинага яширинча кочишларига ёрдам берган, жасур саҳобий Марсад ибн Абу Марсад хикоясига диққат қилинг.

Мусулмон асирларни яширинча Маккадан Мадинага кочишларига ёрдам бериб келадиган Марсад ибн Абу Марсад деган бир киши бор эди. Маккада аввал Марсаднинг таниши бўлган Анок деган бир фоҳиша бор эди. Марсад бир асирни Маккадан Мадинага олиб кетишга касам ичди. Бу ҳақда у шундай хикоя қилади:

Ой нурида Макка деворларидан бирининг панасида келаётган эдим. Анок шарпамни кўриб қолди. У менга яқинлашди ва таниб қолди.

- Марсад?- деди.

- Марсад,- дедим мен ҳам.

- Ҳуш келибсан. Бугун кечкурун биз билан қол,- деди.

- Эй Анок, Аллоҳ зинодан қайтарган,- дедим.

- Хой ким бор?! Манави одам асирларингни олиб кетаяпти!- деб одамларни чақирди.

Шу пайт саккиз киши орқамдан қувди. Мен Хондама (Макка ташқарисидаги) тоғига тирмашиб чиқиб бир горга яшириндим. Улар менинг тўғримга келиб турди. Аллоҳ уларни кўр қилди. Таъкибчиларим қайтиб кетишди. Мен шеригимнинг (яъни олиб кетмокчи бўлган асирни) ёнига бордим ва уни кўтардим. У оғир эди. Узқарга келганимизда сал бўш қўйдим. Кейин яна уни кўтариб олдим. Сафар жуда қийин кечди. Мадинага келганимдан кейин Расулulloҳ



Ислом Нури

соллаллоху алайхи ва салламнинг хузурларига кирдим.

- Ё Расулуллох, Анокка уйлансам бўладими?- деб икки марта сўрадим.

Расулуллох соллаллоху алайхи ва саллам ушбу оят нозил бўлгунга қадар жавоб бермадилар.

«Зинокор эркак факат зинокор аёлга ёки мушрикага уйланур. Зинокор аёлга факат зинокор эркак ёки мушрик уйланур. Ва бу (яъни, зинокор аёлларга уйланиш) мўминларга харом килингандир».

Сўнг Расулуллох соллаллоху алайхи ва саллам: «Эй Марсад, 'Зинокор эркак факат зинокор аёлга ёки мушрикага уйланур. Зинокор аёлга факат зинокор эркак ёки мушрик уйланур'. Шундай экан унга уйланма», - дедилар.

Агар ёмонлик кучайиб, сиз кўркаётган ходиса юз берса, — улар сиз хакингизда ёмонликларни таркатиб юборишса — сизнинг вазифангиз – мулойимлик билан холатингизни тушунтиришдир. Уларга: «Ха, мен гунохкор эдим, лекин хозир Аллохга тавба килдим. Нима дейсизлар?»- деб жавоб килинг.

Унутманг, хакикий шармандалик бу дунёда бўлмайди, Охиратда, Жазо Қунида, энг огир Қунда бўлади. Унда юз ёки икки юз, минг ёки икки минг кишининг олдида эмас, балки бутун халқлар олдида, фаришталар, жинлар, одамлар олдида шарманда бўлади.

Иброхим алайхис саломнинг дуосини бир эсланг-а?!

«Ва (барча жонзот) қайта тириладиган Қунда мени шарманда



Ислом Нури

килмагин. У Кунда на молу давлат ва на бола-чака фойда бермас; Магар Аллох хузурига тоза дил билан келган кишиларгагина (фойда берур)».

Гам-ташвишга тушган вақтингизда Расулуллох соллаллоху алайхи ва салламнинг дуоларини ўқинг.

□ □□□□□□□□ □□□□ □ □□□□□□□ □□□□ □ □□□□□□□ □□□□□□□□□□
□□□□ □□□□□ □ □□□□□□□ □□□□ □□□□ □ □□□□□□□ □□□□□□□□□□
□□□□ □□□□□□□□ □ □□□□ □□□□ □□□□□□ □□□□□□□□ □□□□□□□□□□
□□□□□□□□□□ □□□□ □ □□□□□□□ □□ □□□□□□□□□ □□□□ □ □□□□□□□
□□□□□□ □□ □□□□ □□□□□□□□□□□ □□□□ □ □□□□□□□ □□□ □□□□□□□□
□ □□□□□□□ □□□□□□ □□□□□□□□□ □□□□□□ □□□□ □ □□□□□□□ □□□□□□□□□□
□□□□□□ □□□□□□□ □□□□□□ □□□□□□ □□□□ □ □□□□□□□ □□□□□□□□□□
□□□□□□ □□□□□□□ □□□□□□□ □□□□□□ □ □□□□□□□ □□□□□□□□□□.

Эй Аллохим! Албатта, мен Сенинг кулингдирман. Кулингни ўглиман. Чўрингни ўглиман. Пешонам Кўлингда (яъни, мен Сенинг салтанатинг-хукминг остидаман). Хукминг менинг устимда жорийдир. Казо (амр-хукминг) менинг устимда адолатдир. Сенинг учун бўлган хар бир исм билан Сендан сўрайман. У исм билан Ўзингни номлаган эдинг ёки китобингда нозил қилган эдинг ёки уни бирон бандангга билдиргандинг ёки Ўз олдингдаги гайб илмида олиб қўйган эдинг. Шу исмларнинг хаммаси билан сўрайман. Куръонни калбимнинг бахори, кўнглимнинг нури, махзунлигимни кетиши (кетказувчи) ва ташвишимни кетиши (аритгувчи) қилгин.

□ □□□□□□□□□ □□□□□□ □□□□ □□□□ □□□□□□ □□□□□ □□□□□□□□□□
□□□□□□□ □ □□□□□□□□ □□□□□□□□ □ □□□□□□□□ □□□□□□□□□□
□□□□□□□□ □□□□□□□ □□□□□□□□.



Ислом Нури

Парвардигоро! Мен Сендан ташвишу гамдан, ожизликдан, ялковликдан, бахилликдан, кўркокликдан, карзнинг огирлигидан ва кишиларнинг голиб бўлиб кетишидан панох беришингни сўрайман. (Расулulloх саллаллоху алайхи ва саллам бу дуони кўп айтар эдилар).

Гуноҳларим мени ўраб олмоқда

«Мен кўп гуноҳлар қилдим. Кейин тавба қилдим, лекин аввал қилган гуноҳларим мени таъкиб қилиб, ўраб олмоқда. Хотиралар тинчлик бермаяпти. Ухлай олмаяпман. Бундан қандай қутула олишим мумкин?» – деб савол беришингиз мумкин.

Менинг жавобим қуйидагича: Бу ҳаёллар сизнинг холис тавбангиздан бир нишонadır. Бу ҳақиқий пушаймон бўлишлиқдир ва пушаймон бўлиш эса тавбадир. Келажагингизга Аллоҳ гуноҳларимни кечириб юборади, деган умид билан қаранг. Аллоҳнинг раҳматидан ноумид бўлманг.

«У деди: «Парвардигорининг фазлу раҳматидан факат адашган кимсаларгина ноумид бўлур».

Ибн Масъуд разияллоху анху деди: «Гуноҳи кабиралар қуйидагилардир: Аллоҳга бирон нарсани шерик қилмоқ, Аллоҳнинг макридан хотиржам бўлмоқ ва Аллоҳнинг раҳматидан ноумид бўлмоқ».

Мўмин Аллоҳга яқинлашгани сари унда Аллоҳдан кўркув ва Аллоҳнинг раҳматидан умидворлик кучайиб бораверади. Ҳолатга қараб бири иккинчисидан устун бўлиб ўзгариб туради. Агар у бир гуноҳ қилиб қўйса, Аллоҳдан кўркув уни қамраб олади ва тавба



Ислом Нури

килади. Тавба килаётганда эса унинг калби Аллох раҳматидан умидворлик билан тўлади ва Аллохдан магфират қилишини сўрайди.

Ошкора тан олишим керакми?

Банданинг Аллохга тўғридан-тўғри мурожаати бу тавҳидга ишонишнинг энг муҳим томонларидан биридир.

«(Эй Мухаммад саллаллоху алайхи ва саллам), бандаларим Сиздан Мен ҳақимда сўрасалар, Мен (уларга) яқинман. Менга дуо қилган пайтларида дуогўйларнинг дуосини ижобат қиламан...»

Агар биз тавба фақат Аллох учунгина бўлишига ишонсак, тан олишимиз ҳам фақат Аллох учун бўлиши керак. Расулуллох саллаллоху алайхи ва саллам дуоларида Аллохдан магфират сўрардилар:

«Абууъу лака би неъматика ва абууъу би занби».

«Менга берган барча неъмат-мурувватларингни ва гуноҳларимни тан оламан».

Бу гуноҳларига Аллох қаршисидаги иқроқ бўлишдир.

Биз Аллох субҳанаҳу ва таъолонинг марҳамати туфайли, «кечирим» коғози ва хоказоларни берадиган (диний) оқим бошлиғи, роҳиблари бўлган христианлар каби эмасмиз.

«Улар (гуноҳкорлар) Аллохнинг Ўзи бандалари томонидан бўлган тавбани қабул этишини ... ва ҳақиқий тавбаларни қабул



Ислом Нури

этгувчи ва Мехрибон Зот Аллохнинг Ўзи эканини билмайдиларми?!».

Аллох тавбаларни тўғридан-тўғри қабул қилади

Жазо тўғрисида гапирадиган бўлсак, агар қилган ишингиз имом ёки козига расмий суратда билдирилмаган бўлса, бориб айбингизга икром бўлишингиз шарт эмас. Агар Аллох кишининг айбини яширган бўлса, унинг ўзи ҳам бу гуноҳини яшириши мумкин. Аммо гуноҳи учун Аллохга тавба қилиши керак. Чунки бу Аллох билан ўзи ўртасидаги ишдир. Аллох исмларидан бири Ас-Ситтийрдир, яъни бандаларининг гуноҳларини яширувчи, сир сакловчи, деган маънони англатади. Шу билан бирга У бандасининг ҳам ўз айбини яширишини яхши кўради. Расулуллох саллаллоху алайхи ва саллам Моъиз ва Гомидийя аёлдан юз бурдилар. Умар разияллоху анху боғда бир аёлни ўпган киши хақида: «Аллох унинг гуноҳини яширибди, у ҳам яшириши керак эди», - деганида Расулуллох саллаллоху алайхи ва саллам индамадилар. Чунки Расулуллох саллаллоху алайхи ва саллам ҳам бу сўзларга кўшилганлар.

Демак Аллох бир кишининг гуноҳини яширган экан, у ўз гуноҳини махкамага бориб айтиши ёки барчанинг олдида икром бўлиши шарт эмас. Бирор масжиднинг имомидан ёки бирорта дўстидан қилган гуноҳи учун жазо беришини сўрашнинг кераги йўқ.

Куйидаги воқеа тавба қилмокчи бўлганларни илмсиз кишилар билан муомалада диққатлироқ бўлишга чакиради: Тавба қилмокчи бўлган бир киши масжиднинг илмсиз имоми олдида бориб қилган гуноҳларини айтиб нима қилиши кераклигини сўраган. Имом: «махкамага бориб қилган барча гуноҳларингга икром бўл. Улар сенга



Ислом Нури

тегишли жазо беришади. Нима қилиш кераклиги тўғрисида кейин ўйлаб кўрамиз», - деб жавоб қилган. Бечора киши бу ишни қила олмаслигига кўзи етган ва тавбани ҳам унутиб яна эски йўлига қайтиб кетган.

Ислом ҳукмларини билмок ва уларни тўғри манбалардан ўрганмок лозим

«Агар билмайдиган бўлсангизлар, ахли илмлардан сўранглар!».

«... (У) Рахмондир. Бас, У Зот хақида Огоҳ-Билимдон (Зотдан, яъни Аллоҳ таъолонинг Ўзи)дан сўранг!».

Хар бир имом ҳам фатво бера оладиган савияда бўлавермайди. Дуч келган имом, муаззин ёки даъватчининг одамлар устидан ҳукм чиқаришга ҳаққи йўқ. Каердан ҳукм олишни билиш мусулмон кишининг бурчидир. Бу диннинг муҳим амалларидан бири саналади. Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам илмсиз имомлар дастидан умматларининг бошига қора кунлар тушишидан кўрқдилар. Салафлардан бири айтди: «Илм бу диндир. Шундай экан сенга динни ким ўргатаётганига диққат қилгин». Бундай тузокларга тушиб қолишдан эҳтиёт бўлинг ва бирор тушунмаган ёки шубҳаланган нарсангиз тўғрисида такволи ва илмли кишидан маслаҳат олинг. Аллоҳ энг яхши ёрдам бергувчидир!

Тавба тўғрисида муҳим фатволар

«Тавба қилишни хоҳлайман, лекин тавба қилиш шартлари тўғрисида ҳеч нарса билмайман. Гуноҳларим учун қандай тавба қилишим керак? Аллоҳ қаршисидаги вазифаларимдаги қарз ва камчиликларим ўрнини қандай тўлдирар оламан? Ёки бирортасидан ҳақсиз олган



Ислом Нури

нарсаларимнинг жаримасини қандай тўлайман? каби жуда кўп саволларим бор. Буларнинг барчасига жавоб борми?»- дейишингиз мумкин.

Аллоҳга қайтаётганингизда илмга бўлган чанкоклигингизни кондириш учун қуйида баъзи саволларга жавоблар бериб ўтамиз.

1. Савол: Мен бир гуноҳ қилдим. Кейин тавба қилдим, лекин ёмонликни хоҳловчи нафсим мендан голиб келиб яна ўша гуноҳни қилиб қўйдим. Аввалги қилган тавбам беҳуда кетадими? Кейинги гуноҳим бўйнимга юкланганидек аввалгиси ҳам ҳеч ўзгаришсиз гуноҳ бўлиб ёзиладими?

Жавоб: Кўпчилик олимлар фикрига кўра қабул бўладиган тавба шартларидан бири киши қайтиб ўша гуноҳни қилмаслигидир. Шу билан бирга киши гуноҳ амалдан шу вақтнинг ўзида тийилиши ва қилган ишидан каттик пушаймон бўлиши ҳамда уни қайтиб қилмасликка қатъий қарор қилиши керак. Агар у ўша гуноҳни яна қилиб қўйса, янги гуноҳ қилган ҳисобланади. У яна тавба қилиши керак. Аввалги тавбаси ҳам яроқли ҳисобланади.

2. Савол: Бир гуноҳ учун қилган тавбам бошқа бир гуноҳга қўл уришим билан ботил бўлиб кетадими?

Жавоб: Агар қилаётган гуноҳ амалингиз сиз тавба қилган гуноҳ амалга тааллуқли ёки ўша гуноҳ бўлмаса, тавбангиз ўз қучида қолади. Мисол учун, агар киши еган рибоси учун тавба қилиб, маст қилувчи ичимликларни ичаётган бўлса ҳам – ёки бунинг тесқариси-, унинг тавбаси яроқлидир. Агар у фоизга қарз бергани учун тавба қилиб, насиа йўли билан рибо еяётган бўлса, унинг тавбаси ботил. Худди



Ислом Нури

шунга ўхшаш, агар киши наркотик моддалар истеъмол қилгани учун тавба қилиб, маст қилувчи ичимликлар ичаётган бўлса -ёки бунинг тесқариси- ёки бир аёл билан зино қилгани учун тавба қилиб бошқа бир аёл билан яна зино қилаётган бўлса, унинг тавбаси қабул эмас.

3. Савол: Аллохнинг намоз, рўза, закот қаби бир қанча фарзларини адо қилишда қамчиликка йўл қўйдим. Ҳозир нима қилишим керак?

Жавоб: Саҳих фатвога кўра, киши ўтмишда намозларини тўлиқ қилмаган бўлса, кейин унинг ўрнини тўлдириб қўйиши шарт эмас. Чунки ўша нарсанинг вақти ўтиб кетди ва ўрнига қелтириш учун ҳеч нарсани қилолмайди. Аммо бунинг жаримасини Аллохга ҳолис тавба қилиш, мағфират сўраш ва қодир бўлганича қўпроқ нафл намозлар ўқиш билан тўлайди. Шояд Аллох кечирса.

Агар киши ўтмишда рўзани тўлиқ тутмаган бўлса, кейинчалик ўрнини тўлдириб қўйиши керак ёки Рамазондаги ҳар бир тутмаган кунни учун бир мискинни тўйдириши шарт. Узрли ҳолат бўлмаса, қарзини Рамазон қелишидан аввал амалга ошириши керак.. Кейинги Рамазон қелгунча бирор узрсиз тутмай юрмасин. Рамазон қелиб ўтиб кетган бўлса, тутмаган кунларини тўлдириб қўйиш қаффороти қуйидагича бўлади:

Биринчи мисол: Бир киши 1995 йилнинг Рамазон ойида 3 кун ва 1998 йилнинг Рамазон ойида 5 кун рўза тутмади. Бир неча йилдан кейин у Аллохга тавба қилди. У тутмаган кунлари учун 8 кун рўза тутиб беради ёки ҳар бир кун учун бир мискинни тўйдиради.

Иккинчи мисол: 2000 йил хайз ёшига етган қиз, оиласига айтгани уялиб хайз қўрган (8) кунда ҳам рўза тутди ва бу кунларни кейин



Ислом Нури

тутиб кўймади. Кейин у Аллохга тавба килди. У ўша тутган 8 кунини бошкатдан тутиб беради ёки хар бир куни учун бир мискинни тўйдиради.

Эътибор берган бўлсангиз намоз ва рўзанинг камчиликларини тўлдиришда фарк бор. Баъзи олимлар агар киши бирор узрсиз рўзасини тутмаган бўлса, кейинчалик уни тўлдириб бера олмайди, дейишган.

Агар закот бермаган бўлса, тавба килганидан кейин ўша закотни ҳам бериши керак. Чунки закотда Аллохнинг ва мискинларнинг ҳақки бор.

4. Савол: Агар киши бировнинг ҳақкига тажовуз килган бўлса, қандай тавба қилиши керак?

Жавоб: Расулulloх саллаллоху алайхи ва саллам дедилар:

«Ким агар биродарига -обрўси ёки молига- зулм килган бўлса, (Киёмат) Кунда уни ушламасидан олдин бугун тўғирласин. У Кунда кишига динор ёки дирхам фойда бермайди. Унинг ҳисобида яхши амали бўлса, килган зулми учун биродарининг ҳисобига ўтказилади. Агар яхши амали йўқ бўлса, мазлумнинг ёмон амаллари бунинг ҳисоби ўтказилади».

Бундай зулм-тажовуз учун тавба қилаётган киши етказган талофатини тўлаши ёки биродарларидан кечирим сўраши керак. Агар улар кечиринг, хаммаси жойида. Кечирингмас, тўлаши керак.

5. Савол: Мен бир неча кишини гийбат килганман ва баъзи бировларни ноҳақ ҳақорат килганман. Улар ҳақида нималар деганимни уларга айтишим ва кечирим сўрашим шартми? Қандай



Ислом Нури

тавба қилишим керак?

Жавоб: Агар қилган гийбатингиз ёки ҳақоратларингиз уларга каттик ботмайдиган ва сизни ёмон кўриб қолишларига сабаб бўлмайдиган бўлса, умумий суратда айтиб улардан кечирим сўрашингиз керак. Хар бир сўзингизни бирма-бир айтмасдан умумий қилиб: «Авваллари мен сизга зулм қилган эдим» ёки «Сиз тўғрингизда бўлмагур гапларни гапирган эдим. Хозир Аллоҳга тавба қилдим. Илтимос, мени кечиринг» шаклида айтишингиз мумкин. Мана шуниси яхшироқдир.

Агар улар даргазаб бўлиб сизга нисбатан нафрат хис қилиб ёки умумий айтишингизга қоникмасдан батафсил айтишингизни талаб қилса ва бу бирор ёмонликка сабаб бўлишини билсангиз, уларга бу ҳақда гапирмасангиз ҳам бўлади. Чунки ислом ёмонликнинг кўпайишини хохламайди. Бирор нарсадан хурсанд бўлиб турган ёки дам олаётган кишининг олдига бориб қилган ишларингизни айтишингиз унинг хурсандчилигини йўқотиб, газабини кўзгайдиган бўлса, бу биродарларни бир-бирларига чиройли муносабатда бўлишга буюрувчи ислом мақсадларига тўғри келмайди. Гийбат қилганини айтиш унга нисбатан нафратни уйғотадиган бўлса, Аллоҳга қуйидаги шаклда тавба қилинади:

– Гуноҳи учун каттик пушаймон бўлиши ва Аллоҳдан мағфират сўраши керак. Қилган гуноҳининг ёмонлиги ҳақида ўйлаши ва унинг ҳаром эканлигига ишониши керак.

– Аллоҳдан кечирим сўраётганда қимни гийбат ёки ҳақорат қилган бўлса, ўшаларининг исмларини ошқора айтиши шарт.

– Ҳақорат ёки гийбат қилган кишисини ўзидан юқори кўйишини ва



Ислом Нури

уларнинг яхши сифатларини айтиши керак.

– Аввал ўзи ёмонлаган кишини энди биров ёмонламокчи бўлса, уни химоя қилиши керак.

– Унинг ҳақкига гойибона дуолар қилиши керак.

Кишига молиявий ва жисмоний зарар етказиш билан уни гийбат ва ҳақорат қилиш ўртасида фарқ бор. Аввалгисида етказган зарарларни коплаб мазлумни фойдалантириш мумкин. Шунинг учун буни яшириб юришга рухсат берилмайди. Иккинчисида эса кишининг обрўсига алоқадор бўлгани учун буни ошқора айтиш кишини яна ҳам хафа қилади ва ташвиш келтиради.

6. Савол: Котил қандай тавба қилиши керак?

Жавоб: Котил уч кишининг ҳақкига тажовуз қилган ҳисобланади: Аллохнинг, қурбоннинг ва қурбон бўлган кишининг меросхўрларининг.

Аллохнинг ҳақларини ўз ўрнига қўйиш учун тавба қилинади.

Меросхўрларнинг ҳаққини ўз ўрнига келтириш учун у ўзини меросхўрларнинг ихтиёрига топшириши керак. Шунда улар ўз ҳақларини уч хил йўл билан олишлари мумкин: касос, хун пули ёки кечириб юбориш.

Қурбоннинг ҳаққини эса бу дунёда тўлай олмайди. Бу ҳусусда олимлар агар котилнинг тавбаси холис бўлса, Аллох уни қурбонга тўлаши керак бўлган ҳақдан озод қилади ва қайта Тирилиш Қунида Аллохнинг Ўзи қурбон бўлган кишининг ҳаққини ўтайди, дейишган.



Ислом Нури

7. Савол: Ўғри қандай тавба қилади?

Жавоб: Агар ўғирлаган нарсалари хали ҳам ўзида турган бўлса, эгасига қайтариб беради. Ўғирлаган нарсалари йўқ бўлиб кетган ёки кийиш, фойдаланиш, вақт ўтиши билан эскирган ёки киймати тушиб кетган бўлса, эгаси рози бўладиган кийматни тўлайди.

8. Савол: Нарсаларини ўғирлаган кишиларнинг олдига бориб икром бўлолмайман ёки кечирим сўрай олмаيمان. Нима қилишим керак?

Жавоб: Улар билан юзма-юз келишдан уялаётган бўлсангиз, бунда гуноҳ йўқ. Уларнинг нарсаларини исмингизни айтмаслик шарти билан учинчи бир киши орқали, почта орқали ёки улар топиши мумкин бўлган жойга яширинча қўйиб кетишингиз ёхуд «Бир киши сизлардан мана буни олган экан», - деб қайтариб беришингиз мумкин. Бу ердаги асосий мақсад исмларни айтиш эмас, ўғриланган нарсаларни ўз эгаларига қайтаришдир.

«Нур»- 3

Термизий ривояти

«Шуаро»- 87-89

Ахмад ривояти. Албоний саҳих деган

Бухорий ривояти

«Хижр»- 56



Абдураззок ривояти. Хайсамий ва Ибн Касир саҳих деган

«Бақара»- 186

«Тавба»- 104

«Наҳл»- 43

«Фурқон»- 59

Бухорий ривояти

Ал-Мадориж ва Ал-Мугни маъал Шарх ал-Кабийр

ал-Мадориж